2008 ЙИЛ, 22 МАЙ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 97 (11.158) Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

умумий суғурта соҳасида – 750 минг еврога эквивалент суммада;

ҳаётни суғурта қилиш соҳасида – 1000 минг еврога эквивалент суммада;

мажбурий суғурта бўйича – 1500 минг еврога эквивалент суммада;

фақат қайта суғурта қилиш бўйича – 4000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда устав капитали миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

2.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган суғурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрсин.

3.Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурталовчилар томонидан кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади);

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима белгиланган тартибда солинади ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилади.

4. 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

мазкур қарор билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жарима санкциялари тўғрисида Низом.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 21 май*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009, МАЙ
ТОШКЕНТ



**ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ САНАЛМИШ АЗИМ ТОШКЕНТИМИЗ КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЙИЛДАН ЙИЛГА ОБОД ВА КЎРКАМ ШАҲАРГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» ДЕБ НОМ ОЛГАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУР ВА ИФТИХОРИ БЎЛМИШ КЎҲНА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ БЕҚИЁСДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ АЗИМ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ 2009 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ**

## ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!





*Ҳозирда ушбу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда она шаҳримизни янада обод ва озода шаҳарга айлантириш, унинг ҳар бир қарич ерини эъзозлаш, тинчлик-осойишталигимизни сақлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз эканлиги қайд этилмоқда. Гўзал Тошкентимиз мадҳига шеъру достон битмаган шоир, унинг тарихи ва ўтмиши, бугунги фаровон ҳаётини мўйқаламда тасвирга туширмаган рассом бўлмаса керак. Ҳар бир қўшиқчи борки жонажон шаҳримизни юракдан ёниб куйлайди.*

*Бугундан бошлаб биз ҳам газетамизда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб* ***«ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!»*** *саҳифасини бериб борамиз. Азим пойтахтимизнинг юртимиз тараққиётида тутган ўрни, тарихий обидалари, машҳур инсонлар, Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари ва бугунги кун янгиликлари мазкур саҳифадан кенг ўрин олади. Туманлардаги янгиланишлар ёритиб борилади.*

*Азиз муштарийлар, сизларни пойтахтнинг қутлуғ юбилейига тайёргарлик акс этган мақолалар, янгиликлар, ахборотлар билан газетамиз саҳифаларида фаол иштирок этишга чақирамиз.*

## Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи гузарида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Навқирон Тошкентим» деб номланди.

●**БУГУН** Сергели туманидаги 268-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, «Ёшлик» маданият уйи ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Сўнгги қўнғироқ» тадбири ўтказилди.

●**БУГУН** «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси, Миробод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, Мирзо Улуғбек номидаги маданият уйи ҳамкорликларида ўтказилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

●**БУГУН** Тошкент Шимолий темир йўл вокзалида «Баркамол авлод» спорт ўйинларида иштирок этган Тошкент шаҳар жамоаси аъзоларини кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Оила маросимлари» маркази қошидаги Ёш оила қурувчилар мактаби тингловчиларининг навбатдаги ўқув машғулоти ўтказилди.

●**МИРОБОД** туманидаги Ғафур Ғулом номидаги маданият уйида Ёшлар йилига бағишлаб бадиий-ҳаваскорлик жамоалари вакиллари иштирокида «Санъатга ошно кўнгиллар» мавзуидаги тадбир 213-мактаб ҳамкорлигида уюштирилди.

●**ТОШКЕНТ** Темир йўл муҳандислари институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Халқаро оила кунига бағишланди.

●**ХОРИЖИЙ** тилларни ўрганишга ихтисослашган Республика мактабида уюштирилган «Очиқ дарс соати» тадбирида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида «Бино, иншоотлар ва меъморий обидаларнинг техник ҳолатини баҳолаш» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Россия, Қозоғистон, Германия ва Украинадан олимлар, соҳа мутахассислари қатнашди.

●Самарқанд вилоятининг Пасдарғом туманида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича «Илк ёғду нашидаси» қўшма корхонаси фаолиятини бошлади. Лойиҳа қиймати бир ярим миллион долларга тенг бўлган ушбу корхона хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Бу ерда 30 нафар ёшлар иш билан таъминланган бўлиб, йилига 45 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилади.

●Навоий вилоятининг Кармана ва Қизилтепа туманларида пилла ҳосилини тайёрлов корхоналарига фаол топшириш жараёни бошланди. «Навоий ипак қурти уруғи» акциядорлик жамияти пиллакашларга юқори ҳосил берадиган уруғларни етказиб бериш билан шуғулланади. Бу ерда уруғлик пиллаларни қабул қилиш бошланди.

● Хоразм вилояти ҳокимлигида ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим-тарбия муассасалари иш самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди.

●Қизилтепалик фермер Мавжуда Шарипованинг ишбилармонлиги орқали «Оқмачит» маҳалласида тикувчилик маркази, компьютер маркази, этикдўзлик, сартарошхона ишини йўлга қўйиш орқали жорий йилнинг ўтган даврида 81 нафар ёш йигит-қиз ишли бўлди.

●Навоий вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун инвестицияларни кенгроқ жалб этиш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра «Қизилқум силикати» қўшма корхонаси, «Навоийулгуржисавдо» МЧЖ корхонасида лойиҳа қиймати 450 минг АҚШ долларилик бўлган гипскартон тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

●Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчилари барча қулайликларга эга бўлган янги, замонавий бинога кўчиб ўтдилар. 5,2 гектарлик майдонни эгаллаган ушбу ўқув масканида 2,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

### ЖАҲОНДА

●Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар вазирлари Пранаб Мукержи ва Шоҳ Маҳмуд Курайши Исломободда икки томонлама муносабатларни меъёрига солиш масалаларини муҳокама қилди. Бу Покистон ҳукумати алмашгандан бери томонлар ўртасидаги илк учрашувдир.

●Ливан ҳукумати ва мамлакатдаги мухолифат кучлар манфаатини кўзлаётган «Ҳезболлоҳ» ҳаракати ўртасида беш кун давом этган музокаралар ўз самарасини берди. Томонлар коалицион ҳукумат тузиш ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш масаласини келишиб олдилар.

●11 май куни Сербияда бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловларининг натижалари расман эълон қилинди. Сайлов комиссияси Борис Тадич коалициясининг 38,4 фоиз овоз билан ғолиб бўлганини тасдиқлади.

●Кеча Грузияда сайлов участкалари парламент сайлови ўтказиш юзасидан иш бошлади. Сайловда 9 та сиёсий партия ва 3 та блок иштирок этмоқда. Унда жами 3,4 миллион киши овоз беради. Парламентдан жой олиш учун партиялар 5 фоиздан кўп овоз олиши керак.

●Жаҳон банки вакиллари банк томонидан табиий офатдан зарар кўрган Мьянмага ҳеч қандай молиявий ёрдам берилмаслигини билдирдилар. Баёнотда айтилишича, Мьянма ўзининг асосий қарзини узиш чораларини 1998 йилдан бери тўламаётганлиги боис шундай қарорга келинган.

●Жаҳонда машҳур «Гугл» (Google) компанияси интернет тармоғидан доимий фойдаланувчилар учун янги дастур яратди. Маълумотларда келтирилишича, бу дастур атроф-муҳитнинг исиб кетаётганлиги ҳақида тезкор маълумотлар бериб боради. Хабарлар Буюк Британия метеорология маркази ҳамда Антарктидада тадқиқотлар ўтказиш бўйича Халқаро ташкилот ходимлари томонидан тарқатилади.

●Кеча Москвада футбол бўйича Европа чемпионлар лигасининг финал беллашуви ўтказилди. Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва «Челси» жамоалари ўртасидаги учрашувининг асосий вақти 1:1 ҳисобида тугади. Пенальтилар бўйича ғалаба қозонган «Манчестер Юнайтед» Европа чемпионлар лигасининг бош совринини қўлга киритди.

● Туркияда жамоат жойларида чекишни таъқиқловчи қонун кучга кирди. Мазкур қонун жорий йилнинг январь ойида мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган бўлиб, унга кўра ҳукумат идоралари, савдо марказлари, мактаблар, касалхоналар, футбол майдонлари ва ишхоналарда сигарета чекиш қатъиян ман этилган. 2009 йилнинг июль ойидан бошлаб, бу қонун кафе ва ресторанларда ҳам жорий этилади.

*Фармон ва ижро*

# ЮКСАЛИШНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 20 ФЕВРАЛИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЁТИР.**

«Ипотека-банк»нинг 39 филиалида аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш борасида барча шароит яратилган. Шунингдек, 160 мини-банк, 147 валюта айрибошлаш шохобчаси ишлаб турибди. 2007 йил якунида "Ипотека-банк"да 160 шохобча аҳолига халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатган бўлса, ўтган давр мобайнида яна 14 шохобча ишга туширилди. Мижозлар сони 200 мингдан ошди.

— Юртбошимизнинг номи қайд этилган фармони аҳоли пул маблағларини банк омонатларга жалб этиш жараёнини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкининг мини-банк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Беҳзод Амонов. — Аҳоли учун бу борада янада кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида 3 ойдан 1 йилгача бўлган қисқа муддатларга ҳамда 12-18 ойлик янги омонат турларини таклиф қилаётирмиз. Натижада мижозларимизнинг банкимиздаги омонатлари 65,9 миллиард сўмга етди. Бу жорий йилнинг бошидагига нисбатан 5,4 фоиз ёки 3,4 миллиард сўм кўпдир.

Бугунги кунда банк муомалага чиқарган пластик карточкалар сони эса салкам 456 мингга етди. Уларга савдо шохобчаларида ва банк жамғарма кассаларида ўрнатилган қарийб икки мингта терминал ва ўнга яқин банкомат хизмат кўрсатмоқда. Келгусида хизмат кўрсатиш шохобчаларига яна 500 та терминал ўрнатилади.

Биринчи чорак якунларига кўра, банк оилалар учун 8,1 миллиард сўм ипотека кредити ажратди. Бу 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,2 баробар кўп демакдир. Ипотека кредитлари бериш тизимини ривожлантириш орқали мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Кўп қаватли замонавий уй-жойлар, айниқса, ёш оилалар учун оммабоп бўлган 4-5 қаватли уйлар қуриш учун 14,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг кенг кўламидан далолатдир. Қурилиш соҳасини ривожлантириш, бозорда талаб юқори бўлган замонавий, тежамли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни маблағ билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 940 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

«Ипотека-банк» иқтисодиётнинг реал секторида тобора улуши ошиб бораётган кичик бизнес вакилларига хизмат кўрсатишда ўзининг салмоқли ўрнига эга. 2008 йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектларига 18,6 миллиард сўмлик кредитлар ажратгани ҳам бунинг яққол далилидир. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 138,8 фоиз кўпдир. Мазкур кредитлар ёрдамида қарийб тўққиз юзта иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес эгаларига қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида «Ипотека-банк»ка хориж банкларининг кредит линияларини жалб қилиш борасидаги амалий ишлар давом этмоқда. Жумладан, Ислом тараққиёт банки билан имзоланган битим бўйича 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилаётир. Жорий йилда 1,5 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, биринчи чорак якуни бўйича белгиланган режа бажарилди. Шунингдек, мижозларнинг полиэтилен пакет ишлаб чиқариш ва суюлтирилган газ қуйиш шохобчасини ташкил қилиш ҳақидаги таклифига биноан 2 та лойиҳа молиялаштирилиб, 530,9 минг доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш ҳам "Ипотека-банк" фаолиятида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган 51 мини-банк беш мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси банк фаолиятининг янада такомиллашиб, иқтисодиётимизнинг юксалиши, аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



**ШАҲРИМИЗДА ИЛК БОР «BANK EXPO –2008» БИРИНЧИ МИЛЛИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, УСКУНАЛАР ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎРГАЗМАСИ ИШ ЮРИТМОҚДА. МАЗКУР КЎРГАЗМАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ, ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА.**

*Кўргазмалар*

# БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ



Кўргазманинг очилиш маросимида унинг ташкилотчилари таъкидлаб ўтганларидек, кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби банклар фаолиятини эркинлаштириш йўлида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим ўрин тутади. Ушбу кўргазмани ташкил этишдан эса банкларда замонавий технологияларни жорий этиш, ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда аҳолига сервис хизмати кўрсатишни талаблар даражасига кўтаришга эришиш кўзда тутилган.

Кўргазма стендларидан ўрин олган банклар, молиявий ташкилотлар, суғурта компаниялари, видеокузатув тизимлари, хавфсизликни таъминловчи тизим ва ускуналар, банк ичидаги алоқа тизими пул жўнатмалари тизимларида замон билан ҳамнафаслик сезилади. Кўргазмада мижозларнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Туронбанк», «Асакабанк», «Алоқабанк», «Буюк Ипак йўли банки», «Капиталбанк», «Равнақбанк», «Трастбанк», «Ўзбекистон-Туркия банки», «EVROTEX-SERVIS», «MULTISOFT SOLUTIONS», EVROSET FZC ва «ISHONCH» компаниялари билан бирга, Россия давлатининг «CENTER OF FINANCIAL TECHNOLOGIES» (ЦФТ) инновацион компаниялар гуруҳи билан яқиндан танишиш, соҳанинг етакчи мутахассислари билан суҳбатлашиш, улар ҳақида каталог, буклетлар олишлари учун қулайликлар яратилган.

Банк тизими давлатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар учун аҳамиятли жараённи — пул капиталини қайта тақсимлашни таъминлайди. Мамлакатимизда иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш тамойили асосида банк-молия тизимидаги янгиланишларнинг самарадорлигига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, мижоз ва банк ўртасидаги ишончли муносабат наинки мижознинг манфаатларига хизмат қилади, айни чоғда, банкнинг равнақи ва истиқболини ҳам таъминлайди.

Ҳозирги кунда юртимизда қарийб 30 та банк ҳамда уларнинг минглаб шохобчалари, бўлинмалари фаолият юритаётган бўлсада, энг муҳими, мижоз ўзи банк танлаш, пул маблағларини бир неча банклардаги ҳисобварақларида сақлаш ҳамда ўз маблағларининг қаерда жойлашганидан қатъи назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эга.

Сирасини айтганда, ушбу кўргазма иши юртимиз аҳолисининг банк хизматлари билан тўлиқ таъминланганлиги билан танишиш уларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондириш имконини беради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**СУРАТЛАРДА: «BANK EXPO –2008» Миллий кўргазмасидан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**21 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2005-2007 йиллардаги иши тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси Т.Каримов сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин депутатлар Қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини умуман маъқулладилар. Шу билан бирга таъкидландики, Қўмитанинг иши парламент фаолиятининг ҳозирги босқичдаги ўсиб бораётган талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Қўмита қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар боришини таъминловчи қонунларни такомиллаштириш борасида қонунчилик ташаббуси субъектлари билан ишлашда зарур қатъият кўрсатмади.

Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоларига кўрсатиб ўтилган камчиликларга жуда қисқа муддатларда барҳам беришни топшириб, тегишли қарор қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов депутатларнинг кўриб чиқиши учун учинчи ўқишда киритилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.

Ушбу ҳужжатни кўриб чиқиш чоғида депутатлар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Ёқубов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш вақтида депутатлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши жамиятда қонун устуворлигини, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида қонунийлик ва адолатни таъминлаш имконини беришини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов ахборот берди. Депутатлар муҳокама чоғида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунованинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар А.Абдуназаровни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси лавозимидан озод қилиб, уни мазкур Қўмита раисининг ўринбосари этиб сайладилар.

**(ЎзА)**

# ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БОШЛАНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва бошқа бирлашмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва ишлаб чиқариш тузилмалари вакиллари билан бир қаторда Хитой, Германия, Италия, Словения, Россия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Мавлонов, фанлар академияси вице-президенти С.Ғуломов, Тошкент давлат техника университети ректори Ш.Шообидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илм-фан тараққиётини янада жадаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий лабораторияларда яратилаётган ихтиролардан амалда оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий изланишлар бунга мисол бўлади. Мамлакатимизнинг нефть-газ, кимё, ёқилғи-энергетика, машинасозлик ва бошқа муҳим ишлаб чиқариш тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрланаётган мазкур даргоҳда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Университетнинг энергетика факультети ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ана шундай илмий-амалий лойиҳа натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология энергия сарфини қарийб қирқ фоизга камайтириш имконини бермоқда. Бугунги кунда ушбу қурилмадан мазкур корхонанинг ўн бешта иншоотида, шунингдек, «Ўзбеккабель» акциядорлик бирлашмаси ва Тошкент вилоятидаги насос станциялари фаолиятида самарали фойдаланилаётир.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳам университетнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш жабҳасидаги муҳим ҳамкорларидан бири. Кейинги йилларда ушбу йўналишда олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида олиб борилган кенг кўламли илмий лойиҳалар натижасида нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида оқава сувларни тозалашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди. Илгари хориждан келтирилаётган табиий газни тозалаш жараёнида қўлланиладиган янги ингибиторлар яратилди. Юқори самарали полимер реагентлар, экологик тоза ёнилғи олиш, конлардаги иссиқлик алмаштиргич тизимлари фаолиятини яхшилашга йўналтирилган илғор технологиялар жорий этилди.

Компания мутахассисларининг айтишича, олимларимиз ва мутахассисларимизнинг ҳамкорлиги натижасида яратилаётган бундай илғор технологиялар геология-қидирув ишларини, нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

24 майга қадар давом этадиган анжуман доирасида Тошкент давлат техника университети илмий лабораторияларида яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологиялар ва илмий-тадқиқот ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Анжуманлар*

**КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ХУДДИ ШУ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*ОАВ:*

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда пойтахтда чоп этилаётган газета ва журналларнинг муҳаррир ва ижодкор ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев ўтказилаётган тадбирнинг ниҳоятда долзарб масала, яъни «Ёшлар йили» Давлат дастури ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан оммавий ахборот воситалари олдида турган асосий вазифаларга бағишланганига эътиборни қаратар экан, жумладан шундай деди:

— «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгилаб берилган ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш борасидаги чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, шунингдек, бунёдкор, ташаббускор, иқтидорли ёшларимизнинг фидокорона меҳнатлари, замонамиз қаҳрамонлари образлари, амалга оширилаётган катта ҳажмдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлар содда, равон ва тезкорлик билан ёритилиши лозим, бу албатта ёш авлодни Ватанга, халққа, ўз хизмат ва инсонийлик бурчига садоқат руҳида тарбиялаш учун замин бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ижодкор доимий равишда ўз касбий маҳоратини, билим савиясини ошириб бориши, энг замонавий техника воситалари, алоқа ва ахборот коммуникация тармоқлари, интернет воситаларидан моҳирона фойдалана олиши лозим.

Тадбирда шунингдек Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали раҳбари Б.Мамадиев «Ёшлар йили» давлат дастури ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Маънавият-тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»-ги Қарорини амалга ошириш борасида Тошкент шаҳар ОАВнинг олдида турган асосий вазифалар», Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ишлари бўлими ходими А.Бердиев «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг аҳамияти», ФЖЎИ Фуқаролик жамиятида сўз эркинлигини таъминлаш ва ОАВ демократлаштириш муаммоларини ўрганиш лойиҳасининг катта илмий ходими Т.Эшбеков «Ахборот манбаларини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш: матбуот хизматлари, газета ва таҳририятлар ҳамкорлиги» мавзуларида сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.





Анжуманда таъкидлаб ўтилганидек, бугун республикамизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари катта куч ва салоҳиятга эга. Агарда 1994 йилда мамлакатимизда жами 652 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 1029 тага етди, яъни қарийб икки баробарга кўпайган. Ҳозирда юртимизда 677 та газета, 212 та журнал, 80 га яқин телерадиоканаллар фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекистон телерадиоканали дастурлари сунъий йўлдош тармоғи орқали дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига тўғридан-тўғри узатилмоқда. Бугун оммавий ахборот воситаларининг янги тури, яъни Интернет тармоғи ҳаётимизга изчил кириб келмоқда. Демак, ахборот майдони тобора кенгайиб бормоқда. Биз айни мана шу реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш юритишимиз, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш каби ҳар соҳадаги ислоҳотлар жараёнини, унинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишимиз лозим.

Анжуманда яна оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш, талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фикр-мулоҳаза ва тавсиялар ҳам эшитилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган савол ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди ва келгусида журналистларнинг мулоҳазага чорловчи мақолаларида ўз аксини топади деб ўйлаймиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**СУРАТЛАРДА: Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган давра суҳбатидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ВАШИНГТОНДАГИ БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҚШДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ КЎМАГИ БИЛАН ЮРТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ВАШИНГТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИДА ИШТИРОК ЭТИШДИ. МАЗКУР ТАДБИР «МЕРИДИАН» НОДАВЛАТ ХАЛҚАРО МАРКАЗИ ҲАМДА ВАШИНГТОН МЭРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**

Фестивалда АҚШда ижтимоий-сиёсий, маданий доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек Вашингтонда аккредитациядан ўтган йигирмага яқин, жумладан Аргентина, Австралия, Бразилия, Миср, Франция, Япония, Лихтенштейн, Мексика каби давлатларнинг дипломатия ваколатхоналари ходимлари қатнашдилар. Фестиваль турли мамлакатларнинг тарихий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи турли экспонатлар ҳамда таништирув материалларидан иборат бўлган кўргазма шаклида ўтказилди. Кўргазма экспозицияларини Вашингтоннинг ўн минглаб аҳолиси, хусусан кўплаб болалар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Вашингтон шаҳри мэри рафиқаси Мишель Фенти сўзга чиқди.

Ўзбекистон экспозицияси фестивалдаги оммабоп кўргазмалардан бири бўлди. У мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси, шунингдек юртимиз ижодий салоҳияти хусусида атрофлича ҳикоя қилади. Ўзбекистон экспозициясига ташриф буюрган меҳмонлар ўзбек халқ амалий санъатининг ноёб намуналари — Риштоннинг ложувард сопол буюмларию Бухоро зардўзи кашталари ҳамда кўҳна Самарқанднинг ранг-баранг сўзаналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонлик болалар томонидан Наврўз байрамига бағишлаб ишланган расмлар коллекцияси эса Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Лора Грей раҳбарлигидаги «Буюк Ипак йўли» рақс ансамбли иштирокчиларининг ўзбек рақслари ҳамда доира ижросидан сабоқлар ташкил этгани тадбирга ўзига хос файз бағишлади.

Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар шунингдек, Ўзбекистонда «Ёшлар йили» давлат дастурининг амалга оширилаётгани, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муносиб ҳимоя қилинаётгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг натижалари билан батафсил танишдилар.

Вашингтонда бўлиб ўтган Иккинчи халқаро болалар фестивали АҚШ оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. «Washington diplomat» ва «Washington parent» газеталарида мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган пештахталар ва тадбирлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилувчи репортажлар эълон қилинди.

**«Жаҳон» АА**
**Вашингтон шаҳри**

*2008 — Ёшлар йили*

# ТОҲИРНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН АНЪАНАВИЙ "БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ" ЯРМАРКАЛАРИ ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТОБОРА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Мазкур бошқармадан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Уларда ўнлаб корхона ва ташкилот ўзининг мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ушбу ярмаркаларда ишга йўлланма олган қарийб 1700 фуқаронинг 750 нафардан кўпроғи ёшлардир.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида 64 нафар йигит-қиз ишга кириш учун йўлланма олди. Тоҳир Сафаров – улардан бири. У ярмарка йўлланмасига биноан пойтахтимиздаги Қуюв механика заводига ишга жойлашди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!







Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Халқ шоири

## ТОШКЕНТИМ

*Бунда ҳар бир ниҳол келинчак бўлгай,*
*Офтоб тахтим менинг, ойтахтим менинг.*
*Кўприклар эврилаб келажак бўлгай,*
*Оламга остонам—пойтахтим менинг.*

*Устувор қўрғонсан—чин дўстларингу*
*Кексаю ёшларнинг тилакларида.*
*Эзгулик аркасин устунларию*
*Турналари билан лайлакларида.*

*Фақат кўнгиллардан таралсин ёлқин,*
*Бағринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.*
*Тўлиной мисоли мунаввар қолгин,*
*Оқшоминг ҳеч қачон қаро бўлмасин.*







# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ ПОРЛАГАН ШАҲАР

**МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН, ЖУМЛАДАН ТОШКЕНТ ТАРИХИДА ҲАМ ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИНИНГ ҚИЁФАСИНИ ТАНИБ БЎЛМАС ДАРАЖАДА ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН АСРЛАРГА ТЕНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАНИ КАБИ: «ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН, ҲАҚЛИ РАВИШДА «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» ДЕБ НОМ ОЛГАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУР-ИФТИХОРИ БЎЛМИШ АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР".**

Бугунги кунда Тошкент Ўзбекистоннинг энг йирик саноат, маданият ва илм-фан марказидир. Тошкентнинг умумий майдони 256 кв км бўлиб, унда 2,5 млн.дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тошкент Республиканинг сиёсий маркази ҳамдир. Ўзбекистон пойтахтининг халқаро обрў-эътибори юқори. Бу ерда кўплаб мамлакатларнинг элчихоналари ёки ваколатхоналари очилган, бошқа дипломатик миссиялар, кўплаб обрўли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб пойтахтни тубдан реконструкция қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар марказида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали ўрнатилди, миллий услуб ҳамда замонавий архитектура қиёфасини ўзида уйғунлаштирган Темурийлар тарихи давлат музейининг ажойиб биноси барпо этилди. 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан республиканинг марказий майдони Мустақиллик майдони деб атала бошлади.

Мустақиллик майдони муқаддас ва ҳурмат-эҳтиромга сазовор жой, пойтахт архитектура мажмуининг маҳобатли қисми бўлиб қолди. Мустақиллик монументи тимсоли — Ер шарида Ўзбекистон Республикаси харитасининг бўртма тасвири кўрсатилган. Бу янги давлат пайдо бўлганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2005 йил декабрида Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди.

Мустақиллик ва эзгулик монументи номини олган бу икки композиция халқимизнинг самимийлиги ва тинчликпарварлигининг, навқиронлиги ва инсоний бахт-саодатга тўлиқлигининг тимсоли бўлган меъморий-бадиий мажмуани ташкил қилади.

Бош майдонда ва унинг ён-атрофидаги ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг ажойиб намуналаридан бири Эзгулик аркасидир. Унинг узунлиги 150 метр. Баландлиги четкаларида 10 м, марказий пештоқ қисмида 12 м бўлиб, 16 та устун оқ мармар билан безатилган. Арканинг юқори қисмида, марказида шоҳсупага ўрнатилган Ер шари атрофидаги парвозга шай турналар рамзий маъно касб этади. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз мустақиллиги таяниб турган қудратли пойдевор тимсолидир. Мустақиллик ва эзгулик монументи, Эзгулик аркаси ўзаро кенг оқ йўлка билан боғланган бўлиб, ягона мажмуани ташкил қилади.

Хотира майдонидан жой олган Мотамсаро она ёдгорлик мажмуаси ва монументи ўтмишга эҳтиром, ҳаётдан ёш кетган, жанг майдонида ҳалок бўлган ҳар бир киши тўғрисидаги хотира рамзидир. Бу ерда ҳар бир обида, ҳар бир бино теран ички маъно-мазмун билан тўлиқ. Республика Олий Мажлиси Сенатининг қордек оппоқ биноси ҳам мамлакат улуғворлигининг рамзи сифатида кўзга ташланади.

Мамлакатнинг бош майдони — Мустақиллик майдони ўтмиш, бугунги кун ва келажакнинг ифодаси бўлиб, уларнинг ўзаро алоқасини билдиради.Кўп қаватли маъмурий бинолар ҳамда Бизнес-мажмуа шаҳарнинг марказий қисмини тўлдирувчи замонавий ва миллий архитектура намунаси бўлиб қолди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи пойтахтнинг чинакам маънавий марказига айланди, ҳозир бу ерда мамлакатнинг бош байрамлари нишонланади. Тасвирий санъат галереясини ҳам Тошкентнинг ҳақиқий безаги деса бўлади, у меъморчиликнинг анъанавий миллий усулларидан фойдаланган ҳолда бунёд этилган нодир маданият марказидир. Консерваториянинг янги биноси, Болалар ижодиёти уйи, Ўзбек либослари галереяси ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, 1995 йилдан унинг инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ишлари бошлаб юборилди. Юқорида зикр этилган бунёдкорлик намуналари пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг улкан бош режасига айрим чизгилардир, холос. Уларнинг муаллифи ва ташаббускори эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовдир.

Тошкентни ҳақли равишда абадий навқирон шаҳар деб аташади. Пойтахтнинг қиёфаси кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Шаҳарни реконструкция қилиш жараёнида табиий муҳитга зарар етказадиган корхоналар ташқарига чиқарилди. Эски шаҳар, истироҳат боғлари, бозорлар амалда янгидан қурилди. Бизнес-марказларнинг осмонўпар улуғвор бинолари, замонавий меҳмонхоналар меъморчилик тафаккурининг янги ютуқларидан фойдаланиб қурилди, музейлар, маҳобатли спорт мажмуалари, маданият саройлари барпо этилди. Замонавий кўприклар ва йўллар, икки қаватли эстакадалар, қулай ўтиш жойлари бунёд этилди.

Ўзбекистон пойтахти мамлакатдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ҳам маданий ва илмий марказ ҳисобланади. Мамлакатда мустақиллик йилларида маданият, фан ва таълим соҳасида аввалги даврга қиёслаб бўлмайдиган ютуқларга эришилди. Бунда ҳам Тошкент бош ўринни эгаллайди. Бу ерда 40 дан зиёд илмий-тадқиқот муассасаларини, 3 минтақавий бўлимни бирлаштирувчи Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тиббиёт, Банк-молия, Солиқ академиялари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги техника, Низомий номидаги педагогика, иқтисодиёт, аграр университетлари ишлаб турибди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Тошкентда Ислом университети очилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ёш авлодни ахлоқий ва жисмоний соғлом қилиб тарбиялашга, спорт билан шуғулланиш учун шароит яратишга катта эътибор бермоқда. Хусусан, "Юнусобод" спорт саройи қурилган бўлиб, бу ерда турли халқаро турнирлар ўтказилади, олимпия захираси мактаби ишлаб турибди.

Мамлакат раҳбарияти шаҳардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлашга улкан эътибор қаратмоқда. Чунончи, Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси тубдан қайта қурилди. XVI асрга оид Кўкалдош мадрасаси, XIII—XIX асрларга оид Шайх Зайниддин бобо, XIV—XX асрларга оид Зангиота, XIX асрга оид Хўжа Аъламбардор, XV асрга оид Юнусхон, XIX асрга оид Шайх Хованди Тоҳур мақбаралари, XIX асрга оид Абулқосим мадрасаси ва бошқалар 15—20 йиллар аввалгидан буткул бошқача қиёфа касб этган.

Мамлакатда динлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш бўйича катта иш олиб борилмоқда. Бошқа минтақалардаги каби пойтахтда ҳам масжидлар қурилмоқда, черковлар, костёл, кирха ва бошқа иншоотлар таъмирланган ҳамда иш олиб бормоқда. Буюк аждодларимизга, шунингдек, жаҳон маданияти намояндалари — А.С. Пушкин, Низомий Ганжавий, Т. Шевченкога қўйилган ҳайкаллар шаҳарнинг безагидир.

2007 йил таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган йилдир. Бу мамлакатимизда ислом маданияти ҳамда маънавий қадриятларни тиклаш ва сақлаб қолиш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишларнинг халқаро кўламдаги яна бир эътирофидир. Президент Ислом Каримов буни "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо", деб таърифлаганлари бежиз эмас.

2007 йилнинг 16 октябрь – 2 ноябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрини ЮНЕСКО юбилейлар рўйхатига киритиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг Тошкент шаҳри ва унинг аҳолисига бўлган эътибори рамзи сифатида 2008 йил 2 апрель куни Президентимизнинг 828-сонли Қарори қабул қилинди. Бу Қарорга мувофиқ 2009 йил май ойида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланадиган бўлди.

Мазкур Қарорда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей санасини юқори савияда нишонлаш ҳамда миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш ва уларни кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Президентимизнинг ушбу Қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори, турли йўналишларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Унда ҳар бир тадбир бўйича ижро механизмлари ишлаб чиқилган.

Азим пойтахтимизнинг янада гўзал ва обод бўлиши учун режа асосида белгиланган объектлар сифатли қурилади ва таъмирланади. Тошкент шаҳри аҳолисига ва меҳнаткашларига қулайликлар яратиш, жамоат транспортининг сифатини янада яхшилаш мақсадида янги замонавий русумдаги автобуслар ва трамвайлар харид қилинади ва фойдаланиш учун топширилади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик ўчмас тарихий-маданий меросини жаҳонга намойиш этиш учун зарур маълумотлар ва эсдалик нишонлари тайёрланади, альбом ва китоблар нашр этилади ҳамда махсус фильмлар ишланади. Видео ва фотосуратга олинадиган ҳар бир объект олдиндан тайёрланади. Маркалар, эсдалик медальонлари ва тангаларни яратиш бўйича ижодкорлар ўртасида танловлар эълон қилинади ва ташкилий масалалар тегишли вазирликлар билан ҳал этилади.

Юбилей муносабати билан Тошкент шаҳрида маҳаллий ва хорижий олимлар иштирокида халқаро илмий конференция ва семинарлар ўтказиш кўзда тутилган. Мамлакатимизда турли йўналишлар бўйича кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг ҳар бири бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳри билан биродарлашган Шанхай, Берлин, Сиэтл, Кортрейк шаҳарлари ҳамда ҳамкор бўлган Будапешт, Москва, Сеул, Рига, Боку шаҳарларида маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида кўрсатилган вазифаларни бажариш учун барчамиз масъулмиз. Бу эса жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, «Шарқ дарвозаси» номини олган, Истиқлол нуридан баҳраманд бўлаётган азим шаҳримизнинг ривожланиши ва тараққиёти йўлида ҳар биримизнинг фаол ва омилкор бўлишимизни талаб қилади.

**ҚАДИМДАН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ ЙИРИК МАРКАЗИ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ БЎЛИБ КЕЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЮКСАК НУФУЗИ ВА МАВҚЕИГА МУНОСИБ РАВИШДА НИШОНЛАШ МАҚСАДИДА 2008 ЙИЛ 3 АПРЕЛДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

## ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

*Айни кунларда ушбу Қарор ижроси ва қутлуғ байрамга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Катта ҳажмдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари, ушбу қутлуғ сананинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш йўлида турли тадбирлар, кўрик-танловлар бўлиб ўтмоқда. Унда мустақил Ўзбекистонимизда хизмат сафарида бўлган, саёҳатга келган, ўқиб, ишлаётган хорижлик меҳмонлар, турли корхона ва ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар ҳам иштирок этмоқдалар. Шуни алоҳида фахр билан айтиш мумкинки, бугун хориждан юртимизга келиб кетаётган сайёҳлар фақат қадимий шаҳарларимиздаги тарихий обидаларнигина эмас, балки мустақиллик йилларида қад ростлаган замонавий биноларни кўриб, ҳайратга тушмоқдалар. Биз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб хорижлик меҳмонларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.*

**Шантал ИНЕР ва Жанин ВОЕХ, Франциянинг Страсбург шаҳри, муҳандислар:**

— Ҳам хизмат сафари, ҳам саёҳат учун бир ой муддатга юртингизда меҳмонмиз. Аввало мустақил Республикангизнинг гўзал, бетакрор қиёфаси, Тошкенти азимдаги бетакрор замонавий иншоотлар, меҳмондўст, олийҳиммат кишилар бизни лол қолдирди. Мустақиллик йилларидаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар, равон йўллар, муҳташам кўприклар, замонавий ўқув юртлари, ёшларга ҳар соҳада яратилаётган шарт-шароит, жаҳон андозалари даражасидаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, бетакрор, кўркам бинолар ва чиройли гулзору боғлар ҳайратга солмоқда. Айниқса одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишлари, тинчлик-тотувликда ҳаёт кечиришга интилишларидан ибрат олса арзийди.

**Луи ДЕЙ, ХХР Рассомлар ассоциацияси вице-президенти:**

—Тошкент шаҳрининг қисқа фурсатлар ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани, гўзал, гулларга бурканган шаҳарга айланганини кишини лол қолдиради. Бош майдонда қад ростлаган Сенат биноси, Республика Тасвирий санъат галереяси, жаҳон андозалари даражасидаги бозорлар, яна ҳам эътиборлиси Туронзамин фахри-ғурури бўлган Ҳастимом мажмуасининг қайта таъмирланган бетакрор қиёфаси, кишига ором бағишловчи салқин ва хушманзара боғлар таърифи таҳсинга лойиқ. Ўтган йили Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, шаҳрингиз жуда тез ривожланиб, ҳар соҳада жаҳон аҳлига бўй кўрсатиш даражасига етибди. Мен шаҳрингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилайман.

**Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВОҲАСИ ЎРТА ОСИЁДАГИ КЎҲНА ЎЛКАЛАРДАН БЎЛИБ, УНИНГ ТАРИХИ УЗОҚ ЎТМИШГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ. ЮРТБОШИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, «ЎЗИНИНГ КЎП МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИ ДАВОМИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ БУ ШАҲАР КОММУНИКАЦИЯ ЖИҲАТИДАН МАҒРИБУ МАШРИҚНИ, ЖАНУБ ВА ШИМОЛНИ ТОМ МАЪНОДА БОҒЛОВЧИ МУҲИМ МАНЗИЛ, ТУРОН, ТУРКИСТОН, ЎРТА ОСИЁ ЗАМИНИДАГИ БУЮК МАРКАЗ СИФАТИДА МАЪЛУМ ВА МАШҲУРДИР».**

## ШОШ ВОҲАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Шунинг учун Тошкент воҳаси тарихи қадимданоқ кўплаб тарихчилар, шарқшунослар, географлар, тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келган.

Чирчиқ дарёсининг серунум ва обод марказий қисмига жойлашган Тошкент Ўрта Осиёда қад кўтарган қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у икки минг йилдан ортиқ тарихга эга. Тошкент шаҳри ўзининг шу йигирма асрлик ўтмиши давомида ташқи босқинчиларга қарши олиб борилган не-не жанг-у жадалларни ва не-не ўзаро қонли урушлар-у кўзғолонларни кўрмади. Шаҳар неча бор вайрон бўлди, яна қайта-қайта қад кўтарди. У неча бор тикланиб қолмай, унинг номи ҳам бир неча марта ўзгарди. Тошкентнинг кўҳна номларига доир масалалар фанда турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган ва аниқликлар киритилган.

Шунингдек, кўҳна Тошкент шаҳри ва воҳаси археологияси, топографияси ҳамда унинг исломгача бўлган даври тарихи, маданиятига доир масалалар ўрганилган. Биз ўрта аср араб манбалари билан ишлашда X-XII асрлар воҳа маънавий-маданий муҳитининг айрим жиҳатлари, яъни баъзи шоир ва табиблар фаолияти тўғрисида маълумотларга эга бўлдик. Бу даврда Шошда ислом илмлари билан бир қаторда, табиий, ижтимоий фанлар ҳам ривож топган. Воҳа илм-фан тараққиётида ислом маданиятининг аҳамияти беқиёс.

Жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири — Марказий Осиёда ислом дини тарқала бошлагач, минтақа ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўзгаришларнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларида кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб фаолият кўрсатган буюк зотлар, олимлар "Шоший", "Тошкандий" (XVI асрдан) нисбаси билан бутун дунёга танилганлар.

Шош воҳасида ўрта асрларда ислом илмлари бўйича фаолият юритган 100 дан ортиқ олимлар номлари аниқланган. Жумладан, ишончли муҳаддис сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 947), "Ҳазрати Имом" деб улуғланган Абу Бакр Қаффол Шоший (904-976) ҳамда «Фахр ул-ислом», «ал-Имом ал-кабир» номларига сазовор Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038-1114) номларини алоҳида қайд этиш мумкин.

**Неъматулло МУҲАМЕДОВ, Тошкент Ислом университети доценти вазифасини бажарувчи, тарих фанлари номзоди**





# ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЯНА ҲАМ ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛИБ, ЎЗГАЧА ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ПОЙТАХТИМИЗГА НАЗАР СОЛГАН КИШИ УНИНГ ГЎЗАЛЛИГИГА МАФТУН БЎЛМАЙ ҚОЛМАЙДИ АЛБАТТА. ШАҲРИМИЗ ҚИЁФАСИ ТАНИБ БЎЛМАС ДАРАЖАДА ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАНЛИГИГА БАРЧАМИЗ ГУВОҲ БЎЛАЁТИРМИЗ. БОШ КЕНТИМИЗ БЎЛГАН ШАҲРИМИЗНИНГ ЧАМАНЗОР, ГУЛЗОР БОҒ ВА ХИЁБОНЛАРИ, РАВОН КЎЧАЛАРИ, МАЙДОНЛАРИНИ АЙЛАНИБ ҚАЛБИМИЗДА ФАХР-ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ ЖЎШ УРИШИ, ШУБҲАСИЗ.**

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори барча юртдошларимизни қувонтирмоқда. Жойларда юбилей олдидан қизғин учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар ўтказилмоқда. Жумладан Юнусобод туманида жойлашган 2-болалар стоматология поликлиникасида Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан «Шаҳримиз—фахримиз» деб номланган тадбирга мазкур поликлиниканинг шифокору ҳамширалари, ходимлари ҳамда шоир ва ёзувчилар йиғилдилар. Тадбирда Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова сўзга чиқиб Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига барча-барчамиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз кераклигини, жумладан шаҳримизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш ишларига, шунингдек, тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга барча соҳаларда ўз ютуқларимиз билан лаббай деб жавоб беришимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди. Тадбирда иштирок этган севимли шоира Турсуной Содиқова ҳам ўз сўзида она юртимиз, азим Тошкентимизнинг ўтмиши ва бугуни, порлоқ келажаги ҳақида фахрланиб сўзларкан, шу юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланишимиз, уни кўз қорачиғидек асрашимиз, шу Ватанни меҳр-муҳаббат билан эъзозлашимиз ва унга муносиб фарзанд бўлишимиз кераклигини ифтихор билан гапирди. Шунингдек, ёшларнинг шаҳримиз тарихини билишлари ва бугунги кун воқеаларидан хабардор бўлиб боришлари ва ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишлари зарурлигини таъкидлади. Тадбир давомида тиббиёт ходимлари ҳам шаҳримизнинг 2200 йиллигини нишонлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларини билдиришди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## КАЙКОВУС

### ҲИКМАТЛАР

**Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлғони яхшидур.**

* * *

**Яхши дўст кишига улуғ ганждур.**

* * *

**Дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдур.**

* * *

**Жаҳонда айбсиз одам бўлмас.**

* * *

**Яхшиларга кўнгул била ва ёмонларга тил била дўстлик қилғил, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиги сенга нисбатан ҳосил бўлсун, нединким, кишининг ҳожати танҳо дўстиға тушмағусидур. Бир вақт бўлурки, кишининг ҳожати зарурат юзидин ёмонларға ҳам тушғусидур.**

* * *

**Ақлсиз одамлар била ҳаргиз дўст бўлмағил. Ақлсиз дўст ақлли душмандин ёмонроқдур, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас.**

* * *

**Билғилки, дўстликка лойиқ одамни икки нарсадин билса бўлур: бири улки, дўстига тангдастлик етишгой вақтда қудрати кетгунча молин дўстидин дариғ қилмас ва қашшоқлик вақтида ундин юз ўгирмас, яна бири улки, дўсти бу жаҳондин ўтғондин сўнг ҳам ул дўстининг фарзандларин, қариндошларин ва дўстларин талаб қилғай, уларга яхшилик кўргузғай. Гоҳ-гоҳ дўстининг мозори зиёратига борғай ва ҳасрат чекиб, дуолар қилғай.**

* * *

**Агар қашшоқ бўлсанг, молдор дўст талаб қилмағил, нединким қашшоқни ҳеч киши дўст тутмағусидур, хусусан молдорлар ёмон кўргусидур. Ўзингга лойиқ дўст ахтарғил. Агар сен молдор бўлсанг ва қашшоқ дўст тутсанг бу раводур.**

* * *

**Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтиб келурга машғул бўлмағил, нединким тамаъгир, кекчи дўстдин узоқ бўлғил, унинг дўстлиғи ҳақиқий эрмасдур, балки тамаъ учундур. Ҳасадлиғ кишиларга ҳаргиз дўст бўлмағил, чунки ҳасадлик киши дўстликка лойиқ эрмасдур, чунки ҳосиднинг ҳасади ҳаргиз кетмағусидур ва ҳамиша сендин озурда ва гинадор бўлғусидур.**

* * *

**Агарчи ожиз бўлсанг ҳам ғайрат қил, ўзингни ожиз кўргузмағил.**

* * *

**Агар душман ҳар қанча яхшилик кўргузса, ундин бегумон бўлмағил.**

* * *

**Икки кишидин қўрқмоқ керакдур: бири қавий душман ва бири ғаддор дўст.**

* * *

**Уйдаги душмандин қўрқғилки, унинг қилғон ишини бегона душман қила олмағай.**

* * *

**Кўп дўстликнинг охири душманликка ва кўп душманликнинг охири дўстликка айланур.**

* * *

**Душманнинг қочғони ва омонлик тилағони (унинг) ўлғони била баробардур.**

* * *

**Нодон киши била мунозара қилмағил.**

* * *

**Агар бир киши сенинг айбингни айтса, жаҳд ва саъй била ул айбни ўзингдин йироқ қилғил.**

* * *

**Агар бир киши гуноҳ қилиб, узр айтса, қабул қилғил, нединким ул одамдур ва гуноҳни барчадин бурун Одам қилибдур.**

* * *

**Агар сенинг бир кишига ҳожатинг тушса, бурун кўргулки, ул киши каримму, ё лаимму. Агар карим бўлса, ҳожатингни тилағил, агар лаим бўлса тиламағил.**

* * *

**Агар ҳар киши ҳожатингни раво қилмаса, ўз бахтингдин кўрғил ва ул одамдин (гина) қилмағил. Сенинг гина қилмоғингдин унинг парвоси йўқдур, чунки агар унинг парвоси бўлса эрди, ҳожатингни раво қилур эрди.**

---

*Танловлар*

# БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

**ЯҚИНДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ» МУСОБАҚАСИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ушбу тадбир дастлаб мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртларидаги ҚЯОЖ бошланғич ташкилотларида жамият волонтерлари иштирокида махсус дастурлар асосида бўлиб ўтди. Шаҳар босқичи мусобақаларида эса туманларда ғолиб бўлган санпост аъзолари иштирок этиб, етти босқичда ўзаро беллашдилар.

— «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди ҚЯОЖ Тошкент шаҳар кенгаши раиси Умида Муҳамедова, — ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг эзгу ишлари, унга асос солган саховатли инсон Анри Дюнан тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ҚЯОЖ тарихи ва фаолияти ҳақида маълумот бериш ва ёшларда инсонпарварлик туйғусини янада ривожлантиришдан иборат.

— Мусобақаларга тайёрланиш жараёнида шаҳримиздаги барча туманларда Ўзбекистон ҚЯОЖ Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари томонидан ўқув семинарлари ташкил қилиниб, барча мактаб ўқувчилари ва ҳамширалари 26 соатлик дастур асосида ўқитилди, — дейди ҚЯОЖ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, мусобақанинг бош ҳакамиШоҳида Худойберганова. Шаҳримиз мактабларида деворий газеталар кўрик-танловини ҳам ўтказдик. Шайхонтоҳур туманининг 45-мактаб ўқувчилари тайёрлаган деворий газета «Энг яхши» деб, шунингдек, «Беғараз донорлик» мавзуида эса Ҳамза туманидаги 166-мактаб томонидан тавсия қилинган деворий газета ғолиб деб топилди.

— Ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни соғлом ҳаётга тайёрлаш асосий вазифамиз, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультети ўқитувчиси, катта лейтенант Дилшод Мусақулов. —Чунки ҳар қандай вазиятда ҳам ёшлар биринчи ёрдам кўрсата олсин. Бугун танловда ҳакам сифатида қатнашдим. Ўқувчилар мусобақага жуда яхши тайёрланишган, қизиқишлари бор.

Шунингдек, тадбирда Яккасарой туманидаги Меҳр-шафқат коллежи маънавият ва маърифат ишлари раҳбари Наргиза Раҳимова фахр билан ўз ўқув маскани ҳақида фикр билдирди: — Бизнинг коллежимиз 1995 йили Ўзбекистон ҚЯОЖ қарамоғида ташкил этилган, — деди у. — 2002 йилда касб-ҳунар коллежи мақоми берилди. Ҳар йили 8 май куни жамият кунига бағишланган тадбир ўтказилади. Шу жумладан «Шахс ва жамият» фанимиз орқали ўқувчиларимизга ҚЯОЖ тўғрисида доимий маълумот бериб борамиз. Бугун мусобақада 20 нафар ўқувчимиз қатнашмоқда. Айнан «Ёшлар йили»да мана шундай инсонийликни тарғиб этувчи тадбирларни кўпроқ ўтказиб туриш керак.

Бектемир туманидаги 89-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сайёра Азаматова: —Мен бугун бу мусобақада қатнашганимдан жуда ҳам хурсандман. Мактабимизда саломатлик дарси ўтилади. Аммо бугун бу мусобақада ҚЯОЖ фаолияти ва унга асос солган Анри Дюнан ҳақида кўп қизиқарли маълумотга эга бўлдим.

Меҳр-шафқат коллежи II-курс талабаси Ҳуррият Бозорова: — Айнан ёшлар орасида инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган тадбирларнинг ўтказилиши бизга қанот бағишлайди. Бундай мусобақаларнинг тез-тез ўтказилишини истардик.

Қизиқарли ўтган ушбу мусобақада 1-ўринга Юнусобод туманидаги 235-мактаб, 2-ўринга Ҳамза туманидаги 166-мактаб, 3-ўринга Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаблар лойиқ деб топилди.

Мусобақа сўнгида ғолиблар, жамият фаолияти ва йўналишларини кенг ёритиб берган волонтерлар, яхши қатнашган санпост аъзолари Ўзбекистон ҚЯОЖ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Роҳила ЭРГАШЕВА,**
**Азиза МУҲАМЕДОВА**




**СУРАТДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасидан лавҳа**

---

*Спорт янгиликлари*

# «ПАХТАКОР» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**КЕЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БОСҚИЧИНИНГ СЎНГГИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР» ВА «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Ўз гуруҳида пешқадамлик қилиб кейинги босқич йўлланмасини муддатидан аввал қўлга киритган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоаси Эронда «Сепаҳон» командаси билан куч синашди. Бу сафар ҳам мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатган «Қурувчи» жамоаси аъзолари тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Мезбонлар дарвозасига уюштирилган хавфли ҳужумларнинг кўпи гол билан якунланмай қолди. Акс ҳолда ушбу ўйинда ҳамшаҳарларимиз ғалаба қозонишарди. Очиғини тан олиш керакки, «Сепахон» футболчилари ҳам ғалаба қозониш иштиёқида меҳмонлар дарвозаси олдида ҳужумлар уюштиришди. Ҳатто биринчи гол биринчи бўлимда Жалолиддин Муҳаммадий томонидан «Қурувчи»дарвозасига киритилди. Иккинчи бўлимда янада мазмунлироқ ўйин намойиш этган Миржалол Қосимов шогирдлари ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. 90 дақиқа давом этган қизиқарли беллашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Гуруҳ беллашувларида нотекис ўйин намойиш этиб, чорак финал йўлланмасидан маҳрум бўлган «Пахтакор» футболчилари Тошкентда Қатарнинг «Ал-Гарафа» жамоаси билан куч синашишди.

Маҳорат, тажриба бобида меҳмонлардан устунлик қилган Равшан Ҳайдаров шогирдлари бу сафар мухлислари кўнглини шод этишди.

Учрашув мобайнида Зайниддин Тожиев ва Одил Аҳмедов томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган иккита гол «Пахтакор»га 2:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаймизки, «Қурувчи» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал баҳсларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади. Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан Миржалол Қосимов шогирдларига келгуси ўйинларда ҳам омад ёр бўлсин деймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 10-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАР — «ҚУРУВЧИ» ВА «ПАХТАКОР»ГА МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.**

# МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Ўтган тўққиз турда мағлубият нима эканлигини билмай чемпион бўлишга астойдил интилаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоаси «МҲСК» стадионида Ғузорнинг «Шўртан» командаси билан куч синашди. Шуни таъкидлаш жоизки, тажриба, маҳорат бобида меҳмонлардан устунлик қилган Миржалол Қосимов шогирдлари ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Меҳмонлар дарвозаси олдида кетма-кет уюштирилаётган хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар тезда ўз самарасини берди. 90 дақиқа мобайнида «Қурувчи» футболчилари меҳмонлар дарвозасига еттита гол киритиб ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди. Мухлисларга қувончли онларни ҳадя этган голларни дарвозага Карпенко (3 та), Солиев, Ҳасанов, Ражабов ва Ҳайдаровлар киритишди.

Турнир жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган амалдаги чемпион «Пахтакор» ушбу турда Зарафшонда «Қизилқум» меҳмони бўлди. Майдоннинг ҳар бир ерида ғалаба қозониш ниятида кураш олиб борган Равшан Ҳайдаров шогирдлари ҳам мухлислари кўнглини шод этишди ва баҳсни 3:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Тожиев, Абдуллаев, Аҳмедов томонидан киритилган 3 та гол «Пахтакор»га муҳим уч очкони туҳфа этди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Машъал» — «Локомотив» — 2:1, «Металлург» — «Динамо» — 1:0, «Навбаҳор» — «УзДонгЖу» — 1:1, «Андижон» — «Нефтчи» — 0:0, «ОТМК» — «Сўғдиёна» — 3:2, «Бухоро»— «Насаф» — 3:0.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 11-тур беллашувлари 25,26 май кунлари бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ФАХРИЙЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**КИПРНИНГ ЛИМАСОЛ ШАҲРИДА КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ВА ФАХРИЙЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШГАН УЧ НАФАР ҲАМЮРТИМИЗ ФИНАЛДА КУЧ СИНАШДИ.**

Фахрийлар ўртасида ўтказилган беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ғуломиддин Саидаҳмадов ҳамда Шавкат Азизов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигига сазовор бўлди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда қатнашган Жамшид Мирзаолимов эса кумуш медаль билан тақдирланди.

# ДИЛШОД ХАЛҚАРО ТУРНИР ШОҲСУПАСИДА

**РОССИЯНИНГ МАХАЧҚАЛЪА ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИТТА ОЛТИН ВА ИККИТА БРОНЗА МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ.**

Мусобақада 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров финал учрашувида қозоғистонлик Жаслан Мухторбековни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистонлик эркин кураш усталаридан яна икки нафари — Адҳам Очилов ва Абдул Аммаев эса мусобақани учинчи ўринда якунлаб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медаль келтирди.

**Боҳир БЕК**

---

*«01»*

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ

**ЁНҒИНЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА КАТТА МОДДИЙ ЗАРАР КЕЛТИРАДИ. ЁНҒИН БИР НЕЧА ДАҚИҚА ЁКИ СОАТ ИЧИДА ЖУДА КАТТА МИҚДОРДАГИ ХАЛҚ БОЙЛИКЛАРИНИ ЁНДИРИБ, КУЛГА АЙЛАНТИРАДИ. ЁНҒИН ВАҚТИДА АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ТУТУН, КАРБОНАТ АНГИДРИД ВА БОШҚА ЗАРАРЛИ ҲИД ВА ГАЗЛАР КЎП МИҚДОРДА АТМОСФЕРАГА КЎТАРИЛИБ, НАФАС ОЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҲАВОНИНГ ТАРКИБИНИ БУЗАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ЁНҒИНДАН КЎРИЛАДИГАН ЗАРАРНИНГ ЭНГ ЁМОНИ ШУКИ, УНДА КЎПЛАБ КИШИЛАР ЖАРОҲАТЛАНАДИ ВА ҲАТТО ҲАЛОК БЎЛАДИ ҲАМ.**

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарида ёнғин хавфини камайтириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда, бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналар қўлланмоқда. Саноат корхоналари бино ва иншоотларини бунёд этишда ёнувчи қурилиш материалларидан фойдаланилмаяпти. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Лекин ёнғин чиқишининг олдини олишда, ўт ўчиришда асосий омил ёнғинни ўчириш техникаси барча талабаларнинг тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Саноат корхоналарида бу тадбирлар тартибли равишда ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак.

Саноат корхоналарида ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишидан огоҳлантириш, ўт ўчириш техникаси ва қуролларини, алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, халқ мулкини авайлаб-асраш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам олиб бориш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида шаҳарларимизнинг, қишлоқлардаги аҳоли зич жойлашган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинади.

**Д.ХАЛИЛОВ,**
**Ш.БАҲРОМОВ,**
**12-ХЁХО инспекторлари**

---

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактаб томонидан 2005 йил 23 июнда Комилжонова Камола Рустамовна номига берилган U № 1529259 рақамли 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржасининг Тошкент филиали**

*биржа савдоларига таклиф этади*

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКАБ) Тошкент филиали биржа савдолари ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари республика бўйича РКАБнинг ягона электрон тизимида ўтказиладиган биржа савдоларига таклиф этади. Биржа савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 28 августдаги ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган МЧЖ «Нефтегазтранс» қўшма корхонасига қарашли қуйидаги мол-мулклар биржа савдосига қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Янги ҳаёт қишлоғида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси. Бошланғич баҳоси — 44 947 100 сўм.

Давлат рақами M4428 бўлган «Хундай Соната» русуми автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 610 400 сўм.

Ёқилғи қуйиш шохобчаси ва газ баллон эҳтиёт қисмлари. Бошланғич баҳоси — 34 793 400 сўм.

Ҳар хил турдаги компьютер ва оргтехникалар. Бошланғич баҳоси — 6 857 300 сўм.

**Биржа савдолари соат 10.00 дан 12.00 гача ва 15.00 дан 17.00 гача республика бўйича РКАБнинг ягона электрон тизимида ўтказилади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 149-54-59, 149-53-61.**

**Лицензия: DB 001 №000003**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456

Топширилган вақти: 14:11